

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

343 **Мехнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида-
ги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
18 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 402-6*

(2012 йил 28 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил 1-сон) мувофиқ **бююрман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан 1998 йил 7 январда 8/04-01, 32/01-сон билан тасдиқланган Мехнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (рўйхат рақами 402, 1998 йил 29 январь) 7.1-бандидан «прокуратура органлари» деган сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 4 июль,
30-Б-сон

Келишилган:

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Т. НАРБАЕВА

2012 йил 4 июль